



**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ ТАҲЛИЛИ**

**Рисбайев Хожакбар Рустем ўғли**

*Ички ишлар вазирлиги Академияси 31б-гурӯҳ курсанти*

**Аннотация:** Уибу битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиши ва мувофиқлаштириши тушунчаси ва мазмуни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиши ва мувофиқлаштиришини такомиллаштиришинг бугунги кундаги ҳолати ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бўлинмалари фаолиятини ташкил этиши ва мувофиқлаштириши фаолиятини такомиллаштириши доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал хужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиши бўйича бир катор таклифлар берии.

**Калит сўзлар:** профилактика, ҳуқуқбузарлик, ҳавфсизлик, тараққиёт, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, миллий тизими

Бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизликни ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият, давлат ва шахснинг қонуний манфаатларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталиктини, миллатлараро тотувликни ҳамда барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. «Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталиктини ҳавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг мухим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор»<sup>14</sup>. Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатига, унинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек уларнинг хаётда амалга оширилиши ва қўлланилишини таъминловчи орган ва муассасалар фаолиятига бевосита ўзбек ҳалқининг юксак маънавиятини ўзида акс эттирувчи инсоний туйғулар, фазилатлар, буюк аждодлар мерослари, оила қадриятлари ҳакидаги ғоялар сингдирилган. «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишларини» тушунчасини ёритишимиздан аввал биз, профилактика, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби тушунчаларини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларини ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этувчи ва

<sup>14</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови // Ҳалқ сўзи. – 2016. – 7 дек.



амалга оширувчи субъектлар фаолиятини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини обеъктларини аниқлаб олишимиз лозим. Чунки ушбу иборалар нафақат ҳуқуқ назарияси ва амалиётида, балки бошқа фан соҳаларида ҳам қўлланилади. «Ҳуқуқбузарлик» тушунчасига аниқлик киритишда бир қатор мунозарали ҳолатлар мавжуд. Жумладан:

- ҳуқуқ назариясида «ҳуқуқбузарлик» деганда жамият учун хавфли бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)<sup>13</sup>, бошқа манбада эса ҳуқуқбузарликка жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш сифатида таъриф берилган.

Ушбу таърифлардан келиб чиқсан ҳолда ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфли ва уни содир эганлик учун жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқ соҳасига асосан: а) фуқаровий; б) интизомий; в) маъмурий; г) жиноий турларга ажратилади<sup>14</sup>; – олиб борилган кузатишлар ҳамда ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда «ҳуқуқбузарлик» тушунчесини турлича талқин этиш учраб турибди. Амалиёт органларида фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг аксарияти ҳуқуқбузарлик деган маъмурий ҳуқуқбузарликни назарда тушишади. Хусусан, ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг 65% маъмурий ҳуқуқбузарлик деб белгилашгани фикримизнинг исботидир; – Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида: «ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайрихуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)» деб таъриф берилган<sup>15</sup>. Юридик жавобгарлик келтириб чиқарувчи қилмиш сифатида таърифлаши билан бирга, унинг ижтимоий хавфлилик белгисига эътибор қаратади С.Б.Хўжақулов «ҳуқуқбузарлик» тушунчесининг мазмuni юзасидан<sup>16</sup> ўтказилган илмий ва қиёсий таҳлил натижасига асосланган ҳолда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига «ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик» мазмунидаги ўзгариш киритиш юзасидан таклиф берган. Юридик жавобгарлик келтириб чиқарувчи қилмиш сифатида таърифлашибилан бирга, унинг ижтимоий хавфлилик белгисига эътибор қаратади. Шу нуктаи назардан қаралганда, «ҳуқуқбузарлик» тушунчесига ҳуқуқ тармоқлари ва ҳуқуқбузарликлар турларидан келиб чиқсан ҳолда ягона ва мукаммал таъриф ишлаб чиқиш максадга мувофиқ. Ҳуқуқшунос З.Амирорев ҳам ҳуқуқбузарлик категориясининг барча ҳуқуқ тармоқлари учун ягона умумназарий таърифи келтирилиши лозимлигини таъкидлаган . Унинг фикрига қисман қўшилган ҳолда «ҳуқуқбузарлик – бу содир этилганлиги учун тегишли қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик», деган таърифини қўллаб-қувватлаш мумкин. Бизнингча,

15

22 Профессор Х.Т.Одилкориев ҳуқуқбузарликин «ҳуқуқ субъектининг айбли, ҳуқуқга зид, жамият, давлат ва шахс манбаатларига зарар етказувчи, З давлат ва ҳуқуқ асослари / А. Сайдов, У. Таджихонов, Х. Одилкориев. – Т., 2012.–Б. 45.4 Исмаилов И., Сайтиков А. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2015. – Б.54–66. 6 Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги<sup>7</sup> 2014 йил 14 май қонуни // URL: <http://www.lex.uz.15>



«хуқуқбузарлик» тушунчасига таъриф беришда унинг таркиби, элементлари ҳамда алоҳида белгилари эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир. «Профилактика» (грекча – сақлагичли) тиббиётда касалликлар важароҳатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш, уларни ривожлантирувчи омилларни бартараф этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлардир. Профилактика – нимадир содир бўлишига йўл қўйиб бўлмайдигандастлабки чоралар С.Б. Хўжақулов фикрича, «профилактика» сўзи фақат оқибатни эмас, балки сабаб ва шароитнинг ҳам олдини олишни қамраб олади. Юқоридаги тушунчалар таҳлилидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, профилактика» сўзи мазмунан:

- а) ҳар қандай воқеа, ходиса ва жараёнларга огоҳлантириш орқали таъсир этади;
- б) уларнинг сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутади;

в) воқеа, ходисалар, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган дастлабки ва комплекс чора-тадбирларни қамраб олади. Демак, тадқиқотимиз обьектидан келиб чиқадиган бўлсак, профилактика сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг дастлабки чоралари<sup>10</sup>дир. Шу ўринда олдини олиш ва профилактика сўзларининг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да олдини олмоқ тушунчасига нисбатан: «хавф хатарнинг юз беришидан илгари чорасини кўрмоқ; ёмон оқибатнинг юз беришига йўл қўймаслик» шунингдек профилактикага: «умуман, бирор-бир ҳодисанинг олдини олиш учун кўриладиган чоралар»<sup>17</sup> деган таърифлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, олдини олиш профилактикага нисбатан кенгрок тушунча бўлиб, у профилактик чора-тадбирларини ҳам қамраб олади. Демак вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга профилактик чора-тадбирларини қўллаш орқали эришилади. Шундай экан, профилактик чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши, улар самарадорлиги механизмининг яратилиши вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга хизмат қиласди. Хуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонунинг 3-моддасида асосий тушунчалар берилган бўлиб<sup>17</sup> унга кўра хуқуқбузарликлар профилактикаси деб хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимиdir. Бундан ташқари ушбу қонунда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш - хуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган шахсларга хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужожатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221- модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун хужожатлари мъалумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон



нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуси. Ғайриижтимоий хулқатвор шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқатвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), ҳуқуқбузарлидан жабрланувчи жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарлидан жабрланганлаҳс каби тушунчаларга таърифлар берилган. Ўзбекистонда 2014 йил 14 майда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қонун билан айнан ҳуқуқбузарлика қарши курашишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг фаолияти тартибга солинган. Шунингдек, ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари кўрсатилган бўлиб улар қуйидагилардир:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларидан келиб чиқиб ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятлари тартибга солинган ва тизимлаштирилган. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун хужжатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон беряётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими деб, таърифберилган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни ҳисобланган Конституциянинг кўпгина моддалари ҳам бевосита профилактик хусусиятга эга бўлиб, фуқароларнинг жамиятдаги умуминсоний, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар ҳамда қонунларни хурмат қилишруҳидатарбиялашга қаратилганлигига кўринади.



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:**

Мирзиёев Шавкат Миромонович. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тарақкий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 64 б.

Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-сентабрьдаги «Хотин-қизларни тазайиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни

<http://newjournal.org/index.php/new/article/view/2915>

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 11 сентябрь кунидаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонуннинг

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги 2017 йил 3 январдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» 2008 йил 17 апрелдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.